


*АБДУЛЛО ЗУҲУР*

# БОМДОД

(ШЕЪРЛАР)



Душанбе – 2000





Бу юртнинг муктадир арвохлари бор,  
Соҳиблари бордир бевужуд, бетан.  
Уларга ер юзи келганида тор,  
Юртнинг самосини айлашган ватан.

Бу юртнинг муктадир арвохлари бор,  
Бордир мангу тирик авлиёлари.  
Валийлар рухига етказманг озор,  
Эй, макрух шухратнинг шум гадолари.

Хушомад бўйдан кўнглингиз ийиб,  
“Халқнинг отасиман!” деганда такрор  
Сизга яна бир бор эслатмоқ вожиб:  
Бу юртнинг муктадир арвохлари бор!



## ***БОМДОД***

Номозшом –  
Алвонга айланган уфк –  
Мажрух офтобнинг увол қонлари.  
Мана,  
Бомдодгача қилди гижду банг  
Туннинг заъфар танли  
Шум шайтонлари...

Шом синди,  
Борлиқни зулмат қоплади –  
Фосиқ-фохишалар ишратга шошар.  
Инсон мўмин эмас,  
Мамонгга айланди,  
Сарҳаддан-сарҳадга отилди тошлар.

Барпо бўлди ажиб, соҳир бир тузум –  
Инсофу диёнат бари хомхаёл.  
Мард саналар бўлди кимки турса жим,  
Аёллари – эркак, эркаги – аёл.

Мана,  
Субҳи содик,  
Бомдод яқин.

(Бомдод эканлиги рост бўлсин, илло).

Яна ҳақ қуёши кўрсатиб юзин

Нурга чулғангуси қадимий дунё.


...Фақат чандик қолди қалбларда абад –

Гумроҳ мўминларнинг чўнг армонлари.

Энди дарёлар ҳам зилол сув эмас –

Ўксук шаҳидларнинг қирмиз қонлари.





**Аҳли номус миллатин шонин кироат айлағай,  
Беномуслар ўз эли мулкини ғорат айлағай.**

**Эътиқод бу – ваъзхонлик, сохта содиқлик эмас,  
Лофга ўрганган забон дилга хиёнат айлағай.**

**Жонфидолар жонини тикмиш улуснинг бахтига,  
Қибладур хоки аларнинг, юрт тоат айлағай.**

**Суратим мағрур эрур гарчи бу даҳрийлик эмас,  
Қалб улуглар хоки пойига ибодат айлағай.**

**Мардларинг китфида бўлсин номусу оринг, элим,  
Қолмасин номардга кунингким, қиёмат айлағай.**

## ЯШАШ ЖУДА МУШКУЛ, БИРОДАР...

Яшаш жуда мушкул, биродар,  
Бу ёруғ оламда очик кўз билан.  
Яшаш жуда мушкул чор атрофдан гар  
Найзалар санчсалар қаттол сўз билан.

Яшаш жуда мушкул юрагинг сикиб,  
Бағрингни қон қилса олий бир соғинч.  
Одамлигинг баъзан ёдингга тушиб,  
Жигаринг кемирса надомат, ўкинч.

Яшаш жуда мушкул терингни эмас,  
Шилишга кўймасанг номус-орингни.  
Яшаш жуда мушкул фақат мактовмас,  
Айтишни ўргансанг дилда борингни.

Яшаш жуда мушкул даҳри дун аро  
Ҳалол кун кўришни этсанг ихтиёр.  
Камсукум инсонга чунки бир йилда  
Уч юз олтмиш олти ўлим бор.

...Аммо яшаш осон мунофиқларга,  
Пасткашларга яшамоқ осон...

**ҚИЗИЛСУВ  
БИЛАН МУЛОҚОТ**

Макру мулозамат, мазаммат, риё  
Макрух гардларидан огриниб руҳим,  
Қорачикқа сигмай колганда дунё,  
Сенинг висолингга талпинаман жим.

Лақай тулпорларин сағриси мисол,  
Тулқинларинг гувлаб оққанингда кув,  
Яйдоқ соҳилингда чўккалаб беҳол,  
Сен билан дардлашгим келар, Қизилсув.

Бу улкан шаҳарнинг маҳшари аро,  
Бокира ҳисларим бўлганда увол,  
Эслайман, меҳнат деб яралган элинг  
Нақадар меҳрибон, нақадар ҳалол.




## «Бомдод»

Қай кибор менсимас уларни балким,  
Сўзлаш лаҳжаларин ёқтирмас кимлар.  
Улар орасида яшагай, аммо  
Камтар даҳолару номсиз набийлар.

Бу элни Оллоҳнинг ўзи асрасин,  
Қисмат кулиб боқсин уларга ҳар кез.  
Оқ фотиҳа берсин икки мўйсафид –  
Ҳазрат Хўжамўмин ва Хўжа Сартез.

Майли, насибаси кемтик бўлса ҳам,  
Лекин бутун бўлсин номуси, ори.  
Бу юртнинг бахтига гувлаб оқавер,  
Дарёга айланган лақай тулпори.



## СОҒИНЧ

Тоғлар бағридаги мўъжаз бир қишлоқ,  
Ёввойи гулларнинг бўйидан сархуш.  
Гуллаган армонлар – болақайлари  
Катта шаҳарларни кўриб ётар туш.

Унинг кўчалари тупрокдир азал,  
Уят саналмагай бу тупроқ гарди.  
Бағридан жилдираб анҳорлар эмас,  
Окиб ўтаяпти замона дарди.

Мен қумсаб талпинган жажжи болалик  
Мол ҳайдаб чиқади ҳаририй тонглар,  
Мени афсун этган гаштли болалик  
Сандалда эртақлар тинглайди тунлар.

Бугун-чи, сершовкин, узоқ шаҳарда,  
Барча ташвишлардан безиб қолган чоғ,  
Тушларимга кириб жилмаяр маъюс,  
Тоғлар бағридаги мўъжаз бир қишлоқ.

## ОНАМГА

Гӯё ов ишқида ўзни унутиб,  
Адашиб қолгандек ватандан, овдан,  
Беҳабар қолибман шеър ишқи сабаб  
Сочларингга тушган қировдан.

Паришон чехрада пажмурда чирой,  
Чўккан дийдаларда адоксиз армон.  
Худди ботар маҳал койигандек ой  
Бу сенинг аксингми, онажон?!

Хазонрез дамларда суянмоқ бўлиб,  
Худодан умримни тилар эдинг зор,  
Мени бошқа савдо кетдику юлиб,  
Тоат-ибодатинг кетдими бекор?

Бугун мен бардошлар тилайман сенга,  
Кошқийди, тилагим бўлса ижобат.  
Сенинг сувратингга келтириб сужуд,  
Сенинг хаёлингга қиламан тоат.

Ва бир кун, албатта, қайтаман тайин,  
Соғина-соғина тугаб қарорим.  
Худо сени ўша кунга асрасин,  
Онагинам менинг, онаи зорим.

**ҲАСРАТ**

Мусаффо шабада эсмоқда, мана.  
Ишкомлар оралаб мўралайди ой.  
Эй асад тунлари, ижод тунлари,  
Қайдан насиб этди сизга бу чирой?

Юздузлар жаранги бетакрор, сўлим,  
Ойдан бир ёруғлик таралар сим-сим,  
Ҳорғинликни енгиб тикилгин бир зум,  
Тақдири кетмонга боғланган синглим.

Кўзларингни очгин, ҳорғин қароғинг  
Эгатларда қолган ғамни унутсин.  
Сенга бу заҳматни раво кўрганни  
Соврилган хуснингнинг уволи тутсин.

Чорқирра супанинг гўшаларига  
Ишкомлар оралаб мўралайди Ой.  
Супада пахтани туш кўриб ётар,  
Жувонмарг этилган шарқона чирой...



**ДУО**

**Салла сўралганда калла келтирган  
Қонхўр, йўрғаларга қолмасин кунинг.**

**Миллионлаб болангни ютиб юборган  
Офат, долғаларга қолмасин кунинг.**

**Нурга элтаман деб, зулмотга элтган  
Сўкир дарғаларга қолмасин кунинг.**

**Булбул хонишини қумсаганинингда  
Элим, қарғаларга қолмасин кунинг.**

**...Қора қарғаларга қолмасин кунинг!!!**

## **ОПАМ ФАРИШТАМОҲГА**

Менинг шоирлигим бетаъин бир гап,  
Кибр ҳиди анқир «шоир» сӯзидан.  
Қаёққа опқочай кӯзимни қакшаб,  
Сенинг армон балққан мунгли кӯзингдан.

Опам, бахти забун, муштипар опам,  
Кимлардан яшириб намли кӯзингни,  
Эгатлар оралаб ютганча алам,  
Ноилож терарсан ризку рӯзингни.

Гоҳ сукут сақлайсан ҳадикли, вазмин,  
Ўйлаб фарзандларинг бахт-иқболини,  
(Сен қандай кӯтариб юрарсан, Замин,  
Етим-есирларнинг оҳу зорини?!)

Пахта эгатида сенинг ёш жонинг,  
Уйда норасида фарзандлар увол.  
Оламда ҳалол жон бўлса гар – жонинг,  
Ҳалол нон, бу сенинг нонингдир ҳалол...

## **МУЛОҚОТ**

Сенга ҳавас билан термуламан жим,  
Самони забт этган илоҳий чирой.  
Гарчи ўхшатмоғим гуноҳи азим,  
Бокира аёлсан, хаёлимда, Ой.

Фақат фарқинг шуки, муқаррамсан сен,  
Сенда жамулжамдир номус, диёнат.  
Макр нималигин шукр, билмассан,  
Билмайсан нимадир алдоқ, хиёнат.

Самода кезасан иболи, маҳзун,  
Нигоҳингда балқар тараххум, шафқат.  
Ибрат деб биз осий бандалар учун  
Сени яратганмиш қодир табиат.

Майлига, кўк аро кезавер танҳо,  
Шоир сенга боқиб сурсин хаёллар.  
Эрлар билиб олсин нелигин сабот,  
Покликни ўргансин сендан аёллар.

## ДЕҲҚОН

### ҚИЗНИНГ СУВРАТИ

Саратоннинг олов тиллари  
Тароватин ялаган юзлар.  
Лоқайдликнинг чайир кўллари  
Латофатин талаган кўзлар.

Гул баргидек нозик дудоклар  
Шафқатталаб, ташна, қатқалок.  
Ғубор қўнган хаста ёноқлар  
Бўса эмас, раҳм этар сўрок.

Тирикчилик вазни ох, нокас,  
Қаранг, эгмиш нозик, хипча бел.  
Сочларини меҳр кўлимас,  
Силамокда ёвуз гармсел.



---

## «Бомдод»

---

Алла айтиш учун яралган  
Муъжизали, сеҳрли забон,  
Маънисиз бир сўзга ўрганган  
Такрор этар: пахтаю плон.

Сени шундай тасвир айладим,  
Уэр, келди гапнинг хонаси.  
Тилим куйсин, жим туролмадим,  
Менинг миллатимнинг онаси...



**ЖАҲЛ БУ АЗОБДИР...**

Жаҳлим найзасини самога санчдим,  
Фазолардан энди бир нидо пурғам:  
“Жаҳл бу азобдир, азоби алим,  
Тоғин гафлатларда қолмагин, болам!”

Жаҳлим гурзисини заминга урдим,  
Шу зум аросатда лол қотдим, ҳайхот.  
“Жаҳл бу азобдир, азоби алим”, —  
Замин лабларидан кўкарди фарёд.

Жаҳлим тошларини дарёга отдим,  
Тўсмоқ бўлиб улуғ кудратин гўё.  
“Жаҳл бу азобдир, азоби алим”, —  
Гирдобга айланиб ўкирди дарё.

Жаҳлим қанотини шамолга тутдим,  
Бодлардан ўтиндим турфа саволлар.  
“Жаҳл бу азобдир, азоби алим”, —  
Вужудимни ялаб ўтди шамоллар.

Энди ўзим билан танҳоман, танҳо.  
Қалбим меҳробига топинурман жим.  
Ва яна эшитгум ғойибдан садо:  
“Жаҳл бу азобдир, азоби алим”.

## ПАНОҲИМСАН

Сомон йӯли, хақиқат мулкига бошловчи  
роҳимсан,  
Сен, эй ҳасратли ой, мажҳул замонга тиккан  
оҳимсан.

Аё чакмоқ, ғазаб оташларидан сачраган учқун,  
Шамол, эпкин эмас, дардли юракдан чиккан  
оҳимсан.

Ҳали йӯллар текисмасдур, ҳамон пасту  
баландлар бор,  
Қабопуш тепалар йӯлимни тӯсғувчи гуноҳимсан.

Ҳокимлик даъвисин қилдим, ўзим султонун шох  
билдим,  
Тақаббур, сен зулумот қаррига тортғувчи  
чоҳимсан.

Бино этғувчи ҳам ўзинг, фано этғувчи ҳам ўзинг  
Худоё, раҳм эт, ёлғиз илоҳимсан, пажоҳимсан.

## **ЭЪТИҚОД**

Бу кун хаёлимдан кечди бир рӯё:  
Инсофу адолат заминга тушмиш.  
Тўрт фасл ҳам баҳор аталмиш гӯё,  
Энди бўлмас эмиш хазонрезги, киш.

Илкис йиғиб ақлу фаросатимни,  
Ўзни ишонтира бошладим зинҳор.  
Шунда потраб қалбнинг ташна замини,  
Ўсиб чикди дуркун, ўктам бир чинор.

Чинорким савлати самога туташ,  
Мўъжиза атодир сирли япроғи.  
Умрим поёнида балким асокаш,  
Ё сўнгги маркабим бўлар бутоғи.

Шунда нидо қилдим шикаста, дилхун:  
Ё раб! Олам мангу нурларга тўлсин.  
Ҳар кимнинг имони бўлсин бус-бутун,  
Қалбида ишонган чинори бўлсин.

**МЕН АНГЛАБ  
ЕТМАГАН ЖУМБОК**

Ўқтам тоғликларнинг кифтидан  
ажраб,  
Фазо кенглигига юмалар бир бош  
Мен унга ҳайрат-ла тўймайман қараб,  
Ҳайратни билмаслар дейишар: “Қуёш”.


Тинимсиз сирғалар бевужуд бу бош,  
Борлиқ ҳароратга йўғрилар чандон.  
Буни нур деб атар қай бир бағри тош,  
Менинг тепнамдан-чи, силқимоқда кон.

Қонни нур деб эмган, эй ахли башар,  
Раҳминг келмадими ўксук жонига?  
Жудо этдинг уни танидан магар,  
Шунча ташнамидинг қирмиз қонига?!

Гумроҳ жоҳилларнинг қиличи синсин,  
Қисматинг саргардон айлади, эй бош.  
Тупроқ тепаларга айланди танинг,  
Сенинг қотилинг ким, жавоб бер, Қуёш?!

Қайси айбинг учун эй, бегуноҳим,  
Бу манфур жазога сени тортдилар?  
Ким эди қотилинг, айтгил, ахир, ким?  
Оқлармиди улар ёки қизиллар..





\* \* \*

Қаҳратоннинг қаҳридан қочиб,  
Қалдирғочлар учиб кетган чоғ.  
Бир ғам мени қийнайди эзиб,  
Бардошларим бўлади адоқ.

Ранги ўчган юпун теппалар  
Бир-бирини қучоклаб ухлар.  
Нелар кечар менинг қалбимдан –  
Билолмаган, билмайди улар.

Кулмоқ бўлиб менинг устимдан,  
Симёғочга қўнар қарғалар.  
Ўз устимдан ўзим кулишим  
Худо ҳаққи, билмайди улар.

Хиёнатнинг бўйини сезган  
Ёр қалбидек совийди хаво.  
Бўғотларнинг кўз ёши музлар,  
Хижолатдан бўзарар само.

Чиркироқлар сайрамас энди  
Ошиқ қалби каби зору зор.  
Парчаланиб кетар юрагим,  
Ерга тушар паға-паға қор.





**XX АСР “ЗИЁЛИ”СИНИНГ  
ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИГА  
МАСЛАҲАТЛАРИ**

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича муғул босқинчилари  
га қарши курашган Жалолиддин Мангуберди Амударёнинг  
соҳилигача чекиниб, иложсиз қолгач, душмanning қўлига аси  
тушиб хўрланмасликлари учун онаси ва фарзандларини суе  
га гарқ этиб, ўзи фарёдан кечиб ўтиб кетади.

Сотин керак эди қашшоқ ватанни  
Ё тузсанг бўларди буюк иттифок.  
Йўлими?  
Кўндириб жоҳил отангни,  
Юртда ўтказардинг оммавий сўрок.

Сотиш мумкин эди онангни хатто,  
Дунё аввал – бошдан бозор эрур чин.  
Миянгни ғовлатди қандайин савдо?  
Онангни Жайхунга нега чўқтирдинг?

Бола-бола, демак маъсум, гуноҳсиз.  
“Энг яхши нарсалар уларга нисор!”  
Балким интернатлар очарди Чингиз,  
Нега фарзандларинг айладинг увол?

Мугул ҳам гуманист эди чамамда,  
Хўп десанг, манглайинг силаб кўярди.  
От уругдан эдинг, ҳеч бўлмаганда  
Ё райкўм, ё обкўм сайлаб кўярди.

Бу юрт ўзи шундай яралган асли,  
Эли меҳнат килиб асло толмайди.  
Қара, етти юз йил таланса ҳамки  
Олтин-кумушлари адо бўлмайди.

Нималар деяпман бу овсар, бефаҳм,  
Ўз жонин кадрили билмаган қасга,  
О, бир бор яшайсан подшо бўлсанг ҳам,  
Қуллук қилавер-да қасу ноқасга.

Қуллук қилаверсанг босқинчи эл ҳам  
Ўзни “буюк оға” дея танитар.  
Подшосин даҳо деб бошинг этсанг ҳам,  
Жонингга йўлламас ҳеч қандай хатар.

“Халқнинг холи нима кечар?” – дедингми?  
Халқ ўз кунин кўриб кетаверади.  
Қара, бахтлисан, деб алдасанг агар  
Бахт ҳақида кўшиқ айтаверади.

\* \* \*

Эринишни билмаган ёмғир  
Эзилсаю, эзилаверса.  
Кўзларингдан аламзада нур  
Сизилсаю, сизилаверса.

Кетаверсанг шаллоба бўлиб,  
Ивиб-ивиб бошдан то оёқ.  
Булутларнинг арзи ҳолига  
Мўмингина осганча қулоқ.

Ғарибларнинг кўз ёши увол –  
Йиглайверса мискин булутлар.  
Жилмайиш ҳам келса гар малол,  
Қовоқларинг уйилса баттар.

Тиришсанг ҳам бепарволикка,  
Қадамингни боссанг ҳам сипо,  
Лек ёмғирнинг тўри ортидан  
Болалигинг айласа имо.

Томоғингга тиқилса недир,  
Уни англаб етмасанг – нима?  
Дардларингни бечора ёмғир  
Маҳзун-маҳзун қилса таржима...

## **ПОКЛАНИШ**

Бешафкат қисматга шукрона айтдим,  
Шукрона айладим саҳву хатога.  
Рухимни покладим, токим муносиб  
Ворис бўлмоқ учун Одам Атога.

Дунё лаззатлари жилпанглаб ўтди,  
Им қоқиб ўтдилар фиск-фужур, гуноҳ.  
Ёқамдан шайтоннинг кўллари тутди,  
Ўзинг мадад бергил, ё қодир Оллоҳ!

Бугун замон ичра кезар бир сароб,  
Минглаб нигоҳларни этганча мафтун.  
Сўнгсиз сўроқларга излайман жавоб  
Мажруҳ эътиқодим тикламоқ учун.

Рутубатли сармо бағрида қолиб,  
Сени ёдга олдим Наврўзи олам.  
Тошдек лабларимнинг қатини ёриб,  
Бойчечаклар унди – қалбимдаги ғам.

Энди одимлайман шахдам, устивор,  
Баҳор манзилига бошлагай йўлим.  
Токи қаҳратоннинг панжасида зор  
Сўлиб қолмасин деб бойчечакларим.

## ФАЛСАФА

“Хаёт яшаш эмас, хаёт – бу кураш,  
Курашиб яша!” деб бердилар таълим.  
Дедилар: кўй бўлар, бўрига емиш,  
Яшагани учун курашмасдан жим.

“Хаёт яшаш эмас, хаёт – кураш” деб.  
Ким кизил саналди, ким саналди ок.  
Иккиси бир-бирин суягин гажиб,  
Уртада топталди гуноҳсиз тупрок.

Бу манфур жабҳада чакқон, тизгинсиз  
Шўрою капитал этдилар қиём.  
Хаёт энди хаёт эмасди, эсиз,  
Табиат – қуроли қатли ом.

Кураш мақолига эргашиб бугун  
Расмию норасмий бўғишар яқо,  
Ҳолинг нима кечар сенинг, азизим,  
Одам Ато мерос қолдирган дунё?!

Бўри ейди бешак ўз nasibасин,  
Кўй ҳам ўз ризкини териб-тергилар.  
Сен ахир азалий қисматни нечун  
Тахрир қилмоқчисан, эй аҳли башар?

Бу сунъий фалсафа қанчалик хароб,  
Эслаган маҳали кўнглим бўлар ғаш.  
Ҳаёт кураш эмас, йўқ, йўқ, дўстларим,  
Ҳаёт – одам каби осуда яшаш.






## ДАСҚОЛ МОМОНИНГ СҮНГГИ ҲАСРАТИ

Моли борнинг холи бор, болам,  
Моли йўқнинг эса холи йўқ.  
Бир фарзандим бўлса менинг ҳам,  
Ёқармиди гўримга чирок.  
Кўй-кўзини болам деб билдим,  
Болам, томоғимни куйдираш йиғим.

Менга бир тирнокни раво кўрмадинг,  
Етмиш йил судралдим бошгинам эгик.  
Тақдир, не кунларга мени солмадинг,  
Қариндош жигар деб айтганлар ўтрик.  
Кўй-кўзини болам деб билдим,

Болам, томоғимга тиқилар йиғим.

Таъналар тимдалаб ўтди қалбимни,  
Одамлар кўзига каролмадим тик,  
Шўрликман, деганлар ёлғончилардир,  
Оламдан фарзандсиз ўтганлар шўрлик.  
Кўй-кўзини болам деб билдим,  
Болам, нафасимни қайтарди йиғим...








\* \* \*

Эшитдим,  
Тошгул опа ўтган дейишди.  
Юрагимни камради шунда,  
Кўзларимни намлади шунда  
Зилу замбил.  
Оғир бир хузн.

Оддийгина аёл эди у,  
Саккизта фарзанднинг пушту паноҳи.  
Фаррошлик қиларди мактабда.  
Ҳа, маоши етмасди тайин,  
Аммо ойдан-ойга етиб ортарди  
Касалманд қалбининг армонли охи...

Оддийгина аёл эди у –  
Оналари етмиш йил бурун  
Паранжини ўтга ташлаган.  
“Қаро” деб аталган турмушни қарғаб,  
“Ёруғ кунлар” сари йўлин бошлаган.  
Лайлининг минг-минглаб ворисларидек  
Оддийгина аёл эди у.

Ох,  
Нақадар қиска одамзод умри,  
Армон умри нақадар узун...



## СОЧМАЛАР

\* \* \*

Бу тошлок йўлларда юриб кийналар,  
Элнинг елкасида юрган оёқлар,  
Энди сохибининг кўксин тимдалар,  
Мискинларнинг бағрин тилган тирноқлар.

\* \* \*

Турфа тақдирлар аро тилмочлик'  
килган дилим,  
Турфа ҳолатларга тушдинг, айт,  
сенга тилмочким?..

\* \* \*

Ёлғиз бир ҳукм бор яқрав, бепарво,  
Шоҳу гадо учун фарқсиз – ўлимдир.  
Ёлғиз бир саркаш бор даҳри дун аро,  
У менинг гап укмас, бурро тилимдир.

\* \* \*

Додингга етгувчилар  
Бўлса агар мабодо,  
Дод десанг ярашади,  
Адолатсиз дунёда.

\* \* \*

Масту аласт нидолар аро  
Фарёдларим тиниб колдилар.  
Энди аниқ, сархуш, бепарво  
Бу кулгулар мени ўлдирар.



## **МЕН СЕНДАН НИМА ҲАМ КУТАРДИМ...**

**Мен сендан нима ҳам кутардим.  
Ўзинг банди бўлсанг қисмат кўлида.  
Мен сендан нима ҳам кутардим,  
Ўзинг ҳаммол бўлсанг орзу йўлида.**

**Пешонамни тилган азалий чизик  
Ҳали мен тугилмай чизилган бўлса,  
Ҳаёт дарахтидан насиба, тузлук  
Меваси мен учун узилган бўлса,  
Мен сендан нима ҳам кутардим...**

**Заминга сочилган бўлса ноаён  
Умрга етгулик ризку насибам.  
Мулки гайбдан инса ҳар лахза, ҳар он.  
Бу ўксук қалбимга шодлик ила ғам.  
Мен сендан нима ҳам кутардим...**

**Мен сендан нима ҳам кутардим...  
Кутганим Оллоҳдан, жигарим.**

## ҲОЛАТ

Бу, ҳали яшашмас,  
Кун кӯриш, холос  
Озурда кайфият,  
Чалажон,  
Карахт.  
Қисматимга ҳоким бўлсайдим  
Нохос,  
Бўлардим шубҳасиз,  
Мевали дарахт.

Токим махлуқотга  
Бир нафим тегсин.  
Шохимда ин курсин  
Сайрок қушчалар.  
Мевамнинг шахдидан  
Тотисин,  
Қонсин,  
Мен севган-севмаган  
Курт-кумурскалар.

**Мен дарахт бўлардим,  
Мевали дарахт  
Саховат вазнидан  
Эгилган вужуд.**

**Сархам новдаларим  
Шамолларгамас,  
Ёлғиз яратганга  
Айларди сужуд.**

**Мен дарахт бўлсайдим,  
Безабон дарахт,  
Барча лофу кофдан  
Буткул мосуво  
Балким хўрликларни  
Атамасдим бахт,  
Ибодат айлардим,  
Балким бериё.**

Ажал келганида  
Пайсалга солмай,  
Садосиз оҳ чекиб,  
Ковжираб,  
Куриб,  
Қотил оёғига  
Бошимни қўймай,  
Жон таслим қилардим  
Тик туриб.

Сим-сиёҳ кечалар,  
Зулмли кунлар  
Бир армон қалбимни  
Кемирди,  
Еди.  
Мен дарахт бўламан  
Охир-оқибат,  
Одам бўлиб яшаш  
Жонимга тегди.




---

«Бомдод»

---

ТАРЖИМАЛАР



**СИЖОАТУЛЛО**

**МОҲТОБ**

**Моҳтоб**

**Уфқ киприкларин учида беҳол  
Титраб турган кўз ёш томчиси.  
Ва у шу лаҳзанинг ниҳоясида  
Туннинг зулумотли чоҳи қаърига  
Қулаб тушиб бўлади увол.**

**Сен ҳам бир пайтлари  
Кўзларим тунини ёритдинг чунон,  
Қалбим қошонасин этдинг ошён.  
Нозик қоматингнинг мавзун ниҳоли  
Танимга эврилиб чирмашди, жонон.  
Бугун-чи?  
Хаёлим киприкларида  
Беҳолгина титрамоқдасан.**

Ушбу сонянинг нихоясида  
Тоғдан учиб тушган харсанг тош каби,  
Гулларнинг ашколуд, маъсум кўзидан  
Ерга тушган шаффоф томчи ёш каби  
Хотирам чоҳининг зулмат қаърига  
Сирғалиб тушмагин, дея  
Кўркаман...



## УЙҒОНИШ

Жабру жафо чеккан элимнинг  
Уйғониш оятин битмоқлик учун  
Бу кўпол ва ношуд панжаларимни  
Забонимнинг ўткир тиглари билан  
Тарашлаб-тарашлаб, ўнглайман бир кун.

Дарифо, дилимнинг давати ниҳон,  
Ўзга рангни эса хушламас қалам.  
Кўксим деворини синдирмагунча  
Дардли мисраларим ёзолмам.

На чора...

Кўкрак қафасидан дарича очиб,  
Дилим давотига топмоқ учун йўл  
Бир умр  
Бу мажруҳ кўксимни  
Тилиб-

тимдалайман

беаёв.

**КЕЧА, ТУН МАҲАЛИ...**

Кеча, тун маҳали  
Шаҳар кўчасининг муюлишида  
Хазонларнинг ҳазин шивирин тинглаб  
Нозик дудокларинг япроқларининг  
Шивирлаган маҳзун куйини  
Соғиниб-соғиниб эсладим.

Кеча, тун маҳали  
Қуюлди ёмғир.  
Гўёки  
Ёмғирнинг шум катралари  
Вужудимдан ювиб кетдилар сени.

## **МУНДАРИЖА**

<b>Омонат.</b> .....	<b>. 3</b>
<b>Бомдод.</b> .....	<b>. 4</b>
<b>Аҳли номус . .</b> .....	<b>. 6</b>
<b>Яшаш жуда мушкул, биродар.</b> .....	<b>. 7</b>
<b>Қизилсув билан мулоқот.</b> .....	<b>..8</b>
<b>Соғинч.</b> . . . . .	<b>. 10</b>
<b>Онамга</b> .....	<b>. 11</b>
<b>Ҳасрат</b> .....	<b>. . . 12</b>
<b>Дуо.</b> . . . . .	<b>. 13</b>
<b>Опам Фариштамоҳга.</b> . . . . .	<b>..14</b>
<b>Мулоқот . .</b> .....	<b>..15</b>
<b>Дехқон кизнинг суврати .</b> .....	<b>. . 16</b>
<b>Жаҳл бу азобдир.</b> . . . . .	<b>. 18</b>
<b>Паноҳимсан.</b> .....	<b>. .. 19</b>
<b>Эътиқод.</b> . . . . .	<b>. 20</b>
<b>Мен англаб етмаган жумбоқ..</b> ....	<b>. . 21</b>
<b>Қаҳратоннинг қаҳридан қочиб.</b> . . .	<b>..23</b>
<b>XX аср “зиёли”сининг Жалолиддин</b>	
<b>Мангубердига насихатлари ..</b> .....	<b>.25</b>
<b>Эринишни билмаган ёмғир</b> .....	<b>. .27</b>

Покланиш. . . . .	28
Фалсафа. . . . .	29
Дасқол момонинг сўнги хасрати.. . . .	30
Эшитдим, Тошгул опа ўтган дейишди.: . . . . .	33
Сочмалар. . . . .	35
Мен сендан нима ҳам кутардим. . . . .	37
Ҳолат. . . . .	38
<b>ТАРЖИМАЛАР:</b>	
<b>СИЖОАТҲУЛЛО</b>	
Моҳтоб... . . . .	42
Уйғониш... . . . .	44
Кеча, тун маҳали. . . . .	45

**АБДУЛЛО ЗУҲУР**

## **БОМДОД**

**Мухаррир – Абдулла Насриддин**

**Рассом – Анатолий Колбасюк**

**Техник муҳаррир – Шухрат Жабборов**

**Босмахонага 10.12.99 да берилди. Босишга  
01.2000 да рухсат этилди. Бичими 35x54 1/32.  
Ўсет қоғози. Шартли босма табағи 1,5 Тира-  
1000 нусха.**

**Душанбе-2000 й.**